
“ТЕМУРБЕКЛАР МАКТАБИ” ҲАРБИЙ-АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИДА ЖОРИЙ ЙИЛДА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ТАНТАНАЛИ ВАЪДА БЕРИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ

Фарғона шаҳридаги “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейида жорий йилда ўқишга қабул қилинган ўқувчиларнинг тантанали ваъда бериш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда вилоят ҳоқими, ҳарбий-маъмурий сектор раҳбари Хайрулло Бозоров, Шарқий ҳарбий округ кўшинлари қўмондони, генерал-майор Ойбек Саидов, вилоят прокурори Бахтиёр Исмоилов, ўқувчиларнинг ота-оналари, ҳарбийлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Вилоят раҳбари Президентимизнинг ташаббуси билан ташкил этилган “Темурбеклар мактаби” том маънода юртимизнинг эртанги мард ва жасур ўғлонларини тарбияладиган масканга айланганини таъкидлаб, Ватан ҳимоячиси, деган шарафли номга муносиб бўлишда ўқиш, илм зарурлигига эътибор қаратди. Ёшларимизнинг ватанпарвар бўлиб, юртимизга садоқат билан хизмат қилишларида, яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланишларида омад тилади.

Биринчи босқичга қабул қилинган 157 нафар ўқувчи тантанали ваъда бердилар.

Ҳарбий оркестр жамоасининг чиқишлари ва Фарғона «Темурбеклар мактаби» ўқувчиларининг қўл жанги бўйича маҳоратлари намойиш этилди. Санъаткорларнинг кўшиқлари эса барчага завқу шавқ улашди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-09-30 08:58:32